

**Рўйхатдан ўтказиш рақами: 699**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“Асака” Банки Акциядорлар умумий**  
**йиғилишининг 2017 йил “21” июндаги**  
**01-сон баённомаси билан.**

**“АСАКА” БАНКИ**  
**ИЧКИ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА**  
**НИЗОМИ**

## **МУНДАРИЖА**

|   |   |
|---|---|
| I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....                                | 3 |
| II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ ..... | 3 |
| III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....     | 4 |
| IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ .....     | 5 |
| V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР .....   | 6 |
| VI. ИЧКИ НАЗОРАТ ТАРТИБОТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ .....         | 7 |
| VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....                              | 9 |

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур “Асака” банки (қуйида матн бўйича – “Банк”) ички назорат тўғрисидаги Низоми (қуйида матн бўйича – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига, Банк Уставига ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом ички назорат тизимининг мақсад ва вазифаларини, унинг фаолият юритиш тамойилларини, шунингдек Банкнинг ички назорат учун масъул органлари ва шахсларини белгилайди.

## **II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

3. Ички назорат – Банк фаолияти ичига ўрнатилган ва қуйидаги соҳаларда Банк мақсадларига асосланган ва етарлича нисбатан эришилганлиги тасдиғини олиш мақсадида таваккалчиликлар бошқаруви, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган узлуксиз амал қилувчи жараён ҳисобланади:

- фаолият самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан активларни ишлатиш самарадорлиги, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш даражаси;

- молия ҳисоботининг ишончлилиги ва шубҳасиз тўғрилиги;

- Банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий меъёрларга мувофиқлик.

4. Ички назорат тизими – Банкда ички ҳужжатлар билан қатъий белгиланган, Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати, Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви ва барча даражалардаги бошқа ходимлар (қуйида матн бўйича – “ички назорат субъектлари”) томонидан барча функциялар бўйича ташкил қилинган ва амалга ошириладиган ички назорат чоралари, тартиботлари ва усулларини текширувчи ташкилий тузилмалар мажмуи ҳисобланади. Банк ички назорат органлари аъзоларининг малакалари улар фаолияти тўғрисидаги Низомларда белгиланиши мумкин.

5. Ички назорат тартиботлари – Банк Тафтиш комиссияси, Банк Аудиторлик қўмитаси, Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви, шунингдек Банкнинг ички назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлинмалари (қуйида матн бўйича – “Банк бўлинмалари”) томонидан амалга ошириладиган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари бузилишларини аниқлашга, Банк томонидан белгиланган мақсадларга эришиш самарадорлигини, шунингдек ички назорат тартиботларини реализация қилиш жараёнида ички назорат субъектларининг ўзаро муносабатларини баҳолашга йўналтирилган чоралар мажмуи ҳисобланади.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади барча акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат.

7. Ички назорат оператив режимда қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятига эга:

- активларнинг яхши сақланиши, Банк ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;

- амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши;

- Банкнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли давр учун ривожланиш стратегиялари, Банкнинг бизнес-режалари бажарилиши;

- Банкнинг бухгалтерия ҳужжатлари, молия ҳисоботлари ва бошқарув ахбороти тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги;
- Банк фаолиятида таваккалчиликларнинг аниқланиши, улар юзага келган пайтда идентификацияланиши ва таҳлил қилиниши;
- Банк фаолиятида таваккалчиликларнинг режалаштирилиши ва бошқарилиши, шу жумладан таваккалчиликларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва мос қарорлар қабул қилиниши;
- амалий доираларда ва истеъмолчиларда Банкнинг яхши обрў-эътиборини ўрнатиш ва сақлаш;
- Банк Бошқаруви, Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига иш ҳақи ва бадаллар тўлови, шу жумладан унинг миқдорлари мослиги, очиқлиги ва объективлиги.

### **III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

8. Банкдаги ички назорат тизими қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

- узлуксиз ишлаш – ички назорат тизимининг доимий ва тегишлича ишлаши Банкка меъёрдан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва келгусида улар юзага келишини огоҳлантириш имконини беради;
- ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорликлари – ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиш сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилиб борилади;
- вазифаларнинг тақсимланиши – Банк назорат функциялари такрорланишига йўл қўйилмаслигига интилади ва ушбу функциялар ходимлар ўртасида муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, активларнинг яхши сақланишини таъминлаш ва уларнинг инвентаризациясини ўтказиш билан боғлиқ функциялар бир шахснинг ўзи томонидан бирлаштирилмайдиган тарзда тақсимланиши керак;
- операцияларнинг тегишлича маъқулланиши ва тасдиқланиши – Банк барча молия-хўжалик операцияларининг ваколатли шахслар томонидан уларнинг тааллуқли ваколатлари доирасида тасдиқланиш тартибини белгилашга интилади;
- Банкнинг кундалик ички назоратини амалга оширадиган бўлинманинг ташкилий алоҳидалиги ва унинг Банк Аудиторлик кўмитаси орқали бевосита Банк Кенгашига функционал ҳисобдорлиги таъминланиши;
- Банкда ишлайдиган ички назорат барча субъектларининг назорат функциялари тегишлича бажарилиши учун жавобгарлиги;
- Банк барча бўлинмаларининг аниқ ўзаро муносабатлари асосида ички назоратнинг амалга оширилиши;
- мунтазам ривожланиш ва такомиллашиш – Банк ички назорат тизими янги вазифаларни ҳал қилиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурати ҳисобга олинган ҳолда мослашиши учун мосланувчан созланиш шарт-шароитларини таъминлашга интилади;
- оғишлар тўғрисида хабарларнинг ўз вақтида узатилиши – Банкда оғишларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга шахсларга тааллуқли ахборот узатилишининг максимал қисқа муддатлари белгиланган;
- Банк фаолиятининг назорат йўлга қўйилаётган соҳалари устуворлигини белгилаш – ички назорат тизими томонидан қамраб олинмайдиган стратегик йўналишлар, уларнинг фаолият самарадорлиги (“харажатлар – иқтисодий самара” нисбати)ни ўлчаш мушкул бўлсада, ажратиб кўрсатилади.

#### **IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

9. Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- Банк ходимларининг одоб-ахлоқ қадриятлари ва пухта билимлиликлари, раҳбарият сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколатлар ва жавобгарликни тақсимлаш усулини, ходимларни ташкиллаштириш ва малакаларини ошириш тизимини, шунингдек Банк Кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни ўз ичига оладиган назорат муҳити;

- таваккалчиликларни баҳолаш – турли даражаларда ўзаро боғлиқ ва ички изчил бўлган муайян вазифаларни бажаришда тааллуқли таваккалчиликларни идентификациялаш ва таҳлил қилишдан иборат;

- раҳбарият қарорлари бажарилаётганлигини кафолатлашга ёрдам берадиган сиёсат ва тадбирларни умумлаштирган ва маъқуллаш, жарималар солиш, тасдиқлаш, текширувлар ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активлар хавфсизлигини кафолатлаш ва ваколатларни тақсимлаш каби бир қатор турли-туман ҳаракатларни ўз ичига оладиган назорат бўйича фаолият;

- ички назорат барча субъектларида Банкда қабул қилинган ички назорат сиёсати ва тартиботлари тушунчасини шакллантириш ва улар ижросини таъминлаш мақсадларида маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлашга, уларни рўйхатдан ўтказиш ва айирбошлашга, шу жумладан самарали ахборот алмашинув каналларини ташкил қилишга йўналтирилган ахборот таъминоти ва ахборот алмашинуви бўйича фаолият;

- мониторинг – бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига оладиган жараён бўлиб, уни ўтказиш давомида вақт ўтиши билан тизим ишлаш сифати баҳоланади. Ички назорат тизимининг баҳоланиши молия ҳисоботи асослигига таъсир кўрсатувчи хатоларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини аниқлаш, ушбу хатолар жиддийлигини аниқлаш ва ички назорат тизимининг топширилган вазифалар бажарилишини таъминлаш имкониятини белгилаш учун амалга оширилади. Банкда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун Банк Кенгаши таклифи асосида Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан мустақил профессионал консультант-ташкилот жалб қилиниши мумкин.

#### **V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР**

10. Ички назорат Банк Тафтиш комиссияси, Банк Аудиторлик қўмитаси, Банк Кенгаши, Банк Бошқарув Раиси, Ички аудит хизмати, шунингдек Банкнинг барча даражалардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади, бунда ҳар бир шахс ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11. Банкда фаолият юритадиган бўлинмаларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, бадаллар ва тўланадиган иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби Банкнинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган. Ушбу ҳужжатлар бевосита ёки билвосита ички назорат масалаларига дахлдор бошқа ҳужжатлар каби мазкур Низомга зид келиши мумкин эмас.

12. Банкнинг молия-хўжалик фаолияти назоратининг тизимли хусусиятини таъминлаш мақсадида ички назорат тадбирларининг ўтказилиши Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

13. Банк Кенгаши функцияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ички назорат тизимининг муайян операциялари ва стратегиялари ривожланиш йўналишларини белгилаш ва тасдиқлаш;

- Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида Банк Бошқарув Раиси, ички ва ташқи аудитлар, Тафтиш комиссиясининг мунтазам ҳисоботлари маълумотларига, бошқа манбалардан олинган маълумотларга ва ички назоратнинг барча соҳалари: жумладан, молиявий назорат, операцион назорат, қонун ҳужжатларига риоя қилиниши

устидан назорат, ички сиёсат ва тартиботлар назорати бўйича шахсий кузатувларга асосланган ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида ҳар йилги хабардор қилиш;

- Банкнинг ички назорат учун жавобгар бўлинмалари тузилиши ва таркибини белгилаш;

- ички назорат тартиботларини мунтазам равишда такомиллаштириш.

14. Молия ҳисоботи асослилиги ва тўлиқлиги, Банк ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги устидан назоратни ташкил қилиш учун жавобгарлик Банк Аудиторлик қўмитасига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Банк Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

15. Унинг фаолияти учун жавобгарлик, Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Банк ички назорати соҳасидаги сиёсатга мувофиқ, Банк Бошқарув Раисига юклатилади. Банк Бошқарув Раиси ички назорат тизими тадбирларини жорий қилади ва унинг самарали фаолиятини таъминлайди, Банк Кенгашини Банкнинг барча таваккалчиликлари, ички назорат тизимининг жиддий камчиликлари тўғрисида, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади.

16. Ҳар қандай даражадаги бўлинмалар ходимлари (шу жумладан раҳбарлар) ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш бўйича стратегиялар ва тадбирларни батафсил ишлаб чиқишда бевосита иштирок қиладилар. Уларнинг вазифалари юзага келишига қараб ностандарт вазиятлар ва муаммоларни енгиб ўтишни ўз ичига олади. Жиддий масалалар ёки муайян битим бўйича юзага келган таваккалчиликлар тўғрисида ходимлар Банкнинг юқори раҳбариятига хабар берадилар.

17. Банк ва унинг алоҳида бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик доимий амал қилувчи ички назорат органи – Тафтиш комиссиясига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

18. Ички назорат тадбирлари ижроси, айнан эса Банк ва унинг алоҳида бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган молия-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерия ва молиявий ҳисобот тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги устидан мунтазам назоратнинг амалга оширилиши учун жавобгарлик Ички аудит хизмати зиммасига юклатилади, унинг аҳамияти, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

19. Банк ички аудит хизмати Банк Аудиторлик қўмитасига ички аудит, ички назорат тизими натижалари тўғрисида ҳисобот беради. Банк ички аудит хизмати Аудиторлик қўмитасига бўйсунди.

20. Қуйидаги шахслар Банкнинг ички аудит хизматидаги лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга эмаслар:

- иқтисодий соҳадаги жиноятлар ёки тартибга қарши жиноятлар учун судланганлиги бекор қилинмаган шахслар;

- Банкнинг Ижроия органи раҳбари ёки аъзолари ҳисобланган шахслар;

- таъсисчилар (акциядорлар, иштирокчилар), Банк Бошқарув раҳбари ёки аъзолари ёхуд Банкка рақобатчи бўлган бошқа юридик шахснинг ходимлари ҳисобланган шахслар;

- Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга бошқа талаблар Банк Аудиторлик қўмитаси томонидан белгиланиши мумкин.

21. Ички назорат тизимининг тегишлича фаолият юритиши ходимларнинг юқори касбий малакаларига ҳам боғлиқдир. Банк кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш

тизими уларнинг юқори малакали бўлишларини ва улар томонидан юқори одоб-ахлоқ стандартларига риоя қилинишини таъминлаши учун бор имкониятларини ишга солади.

## **VI. ИЧКИ НАЗОРАТ ТАРТИБОТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

22. Банк ички назорат тартиботлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Банк бошқарувининг турли даражаларида ўзаро боғлиқ ва бир-бирига зид келмайдиган мақсадлар ва вазифаларни аниқлаш;

- Банк фаолияти мақсадларига эришишга халақит қилиши мумкин бўлган потенциал ва мавжуд оператив, молиявий, стратегик ва бошқа таваккалчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ички назоратнинг жиддий таркибий қисмларини баҳолаш;

- бизнес-жараёнлар ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;

- Банк таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслар ва бошқа ходимларининг иш самарадорлиги мезонларини аниқлаш ва баҳолаш;

- молиявий ва бошқа ахборотни олдинги даврлар учун солиштириб бўладиган ахборот ёки кутиладиган фаолият натижалари билан қиёсан кўриб чиқиш;

- воқеалар, операциялар ва транзакцияларни ҳисобга қўйишнинг мос усулларидан фойдаланиш;

- активлар тегишлича сақланишини текшириш;

- ички назорат тартиботларини тегишлича ҳужжатлаштириш;

- ички назорат тизими сифатини мунтазам равишда баҳолаш;

- Банкнинг барча ходимларини уларнинг ички назорат соҳасидаги мажбуриятлари билан таништириш;

- Банк ходимлари ўртасида муҳим вазифалар (шу жумладан, операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга қўйиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш бўйича вазифалар)ни тақсимлаш;

- операцияларни фақат тааллуқли ваколатларга эга шахслар билан тасдиқлаш ва амалга ошириш;

- ички назорат мақсадларига эришиш учун керакли бошқа тадбирлар.

23. Ички назорат тадбирларини ўтказишда текшириш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш усуллари, шунингдек ички назорат тадбирларини амалга ошириш учун керакли бошқа усуллар қўлланади.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

24. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

25. Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Банк Кенгаши, Банк ташқи аудитори, Банк Тафтиш комиссияси, Банк ички аудит хизмати аъзолари, Банк Бошқарув Раиси таклифи бўйича киритилади.

26. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар ўзгариши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари уларга зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Банк Низомига ўзгартиришлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларига амал қилинади.

**Бошқарув Раиси**

**А.И. Ахмедхаджаев**

**Бошқарув аъзолари:**

**Р.К. Касимов** \_\_\_\_\_

**О.К. Норинбаев** \_\_\_\_\_

**З.А. Галинова** \_\_\_\_\_

**М.Ш. Пулатова** \_\_\_\_\_

**Киритилди:**

**Казначейлик департаменти бошлиғи:**

**И.Х. Исканов** \_\_\_\_\_

**Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни ўзаро мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи:**

**А.Б. Бахрамов** \_\_\_\_\_

**Ички аудит хизмати бошлиғи:**

**А.А. Кариев** \_\_\_\_\_

**Ички назорат хизмати бошлиғи:**

**М.Д. Мирзаев** \_\_\_\_\_